Айни кунгача кўпгаб инсонларга омад кулиб бокди ва ушбу лотереялар ҳозирда ҳам халқ банки алоқа бўлими шохобчаларида, газета дўконларида ва жамоатчи, хусусий тadbиркорлар орқали нақд пулга сотилишмоқда. Нархи 100 сўм бўлган ушбу лотереянинг 100, 1000, 2500, 5000 сўмгача миқдордаги пул ютуқлари билан бирга республикамизда ишлаб чиқарилаётган «Тик», «Дамас», «Нексия» русумли автомобиллардан 20 таси энг бахтли ва омадли инсонларга nasib этади.

Шуни қувонч билан айтиш лозимки, ҳозиргача пул ютуқлари билан бир қаторда 9 нафар ҳамюртимизга енгил автомобиллар nasib этди.

Бундай бахтга фарғоналик Исомидин Тожибоев, Абдуҳалим Қосимов, андижонлик Хошимжон Сормонов, Мўйдин Тошпўлатов, Абдуолим Холмиров, Дўшанбек Абдураҳмонов, Тошкент вилоятидан Андрей Шевчук, наманганлик Муталли Тожибоев, ҳоразмлик Ғайратбек Каримовлар мушарраф бўлишди.

Ютук эгаларига автомобиллар навбати билан тантанали равишда топширилмоқда. Қолган 11 та энг катта ютук эса омадли инсонларни кутмоқда.

— Бундай омаднинг менга кулиб бокди, — дейди андижонлик ишчи Хошимжон Сормонов, — нафақат мени, бутун оила аъзоларимизни қувонтирди. Саховатли иш-

ларнинг бошида турган «Наврўз» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимига ўз миннатдорчилигини билдиран ва барча ҳамюртларимизга ҳам кейинги ўйинларда омад тилайман.

«Аёл бахти» номли лаҳзалик лотерея ўйинлари Соғлом авлод йилида ҳам кўпгаб ҳамюртларимизга қувонч бахш этади ва ундан тушган маблаг мурувват ва саховат йўлида сарфланади.

Шарифа ИЛЁСОВА. СУРАТДА: ютук соҳибларидан бири андижонлик Хошимжон Сормоновга Тошкент шаҳар «Наврўз» хайрия жамғармаси расиси Калон Шодиев «Тик» автомобиласини қалитини топширмоқда.



Саховат

Яқинда «Шарк» нашриёт-матбаа концернининг «Шарк-Континент» маънавият ва маърифат марказида хайрия тadbир ўтказилди. Унга Чилонзор туманидаги 23-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари таширф буорди.

БОЛАЛАР ҚУВОНГАНДА

100 нафардан ошқ болаларга турли мавзуда викториналар, танловлар, хушчақчақ кўнгилчоралар ўйинлар ташкил этилди. Бунда болаларнинг ўзлари ҳам иштирок этишди. Уларга «Нестле» корпорацияси акратган совғалар ҳамда «Шарк» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган янги китоблар тақдим этилди.

— Мана болаларимиз бир неча йилдан бери концерн марказида ўтказиладиган турли байрам тadbирларида иштирок этишмоқда, — дейди 23-меҳрибонлик уйи директори Светлана Килидишова. — Улар янги йил, Наврўз байрамларида бизни йўқлаб ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Биз бундан жуда миннатдоримиз.

Дарҳақиқат, болалар қувончига нима етсин. Концерн маънавият ва маърифат маркази томонидан болалар, ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун тadbирлар режалаштирилмоқда. Бу ерда турли учрашувлар, концерт ва дискотекалар ўтказилади. Бундан ташкари шейтинг, инглиз тилини ўрганиш, тикуччилик, рақс ва бошқа тўғрақлар фаолият кўрсатади. Ниятилла Мухамедов.

Кўзга кўринмасрок, лекин зарур бир касб борки, бу касб эгасига ҳамманинг иши тушади. Бу — нотариуслик касби. Янги уй-жой сотиб олсангиз, янги олган машинангизни расмийлаштирасиз, фарзандларингизга мерос қолдирасиз, ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш учун ҳужжатларингизни расмийлаштирасиз — барча ҳолларда нотариусга мурожаат этасиз.

1-Яккасарой нотариал идораси давлат нотариуси Васила Аъзамхўжаеванинг олдида куннинг қайси пайтида борманг, доимо хонаси одамлар билан гажум бўлади. Хушмуомала, хушчақчақ Васила она келувчиларнинг ишини тезроқ битириб, ташвишларидан фориғ этишга интилади. У йитирма йилдан буён шу ерда меҳнат қилиб, жамоа орасида иззат-ҳурмат топан.

— Васила она, ҳар бир касбнинг ўзига хос машаққатлари бўлади, айниқса сизга жуда чигал, қийин ишлар билан мурожаат қиладилар. Сиз турли феъл-атвордаги одамлар билан муомалада бўласиз. Одамлар кўнглига йўл топиш, «огрик»ларига малҳам бўлиш эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз ҳуқуқшунос касбини танлаб тўғри қилганимиз? Болалик, ўсмирлик чоғларингизда қим бўлишни орзу қилгансиз?

— Ҳуқуқшунос бўлишни болалигимдан орзу қилганман. Ҳар бир инсон ўзи яшаётган жамиятнинг қонуниларини ҳурмат қилиши ва тан олиши зарур. Шу билан бирга инсон ўзи қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлигини билиши керак. Ҳаммамизга маълумки, қаред қонун устувор бўлса ва унга ижтимо-

нан рия қилинса ўша ерда моддий-маънавий юксалиш, ишда қўт-барак бўлади. Фуқаропарвар ва ҳуқуқий баркамол жамият барпо этаётган эканмиз, у биздан ҳар

сан», дейишарди. Бир умр ноҳақлик билан чиқиша олмаيمان.

— Кейинги йилларда одамлар орасида меҳр-оқибат кўтарилиб кетаяпти деган гап-

Касбинома

НОТАРИУСГА МУРОЖААТ ЭТГАНМИСИЗ?

бир қонунга алоҳида эътибор беришимизни, бурчимизга масъулият билан қарашимизни талаб этади.

Самимий муносабат бизнинг ишимизда фуқаролар қалбига йўл топишнинг бош мезонидир. Бизга мурожаат этадиган одамларга қонунга биноан жавоб излаб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Бу касбни бекорга танламаганман. Болалик чоғимдаёқ бир сўзли, ҳаққий эдим. Мактабда ўқиб юрган пайтларимда жамоат ишларида фаол қатнашар эдим. Менинг хатти-ҳаракатларимни кўрган устозларим ҳам, онам ҳам: «Сен катта бўлсанг юрист бўл, бир ишни бошласанг охирига етказмай қўймай-

сўзларга қандай қарайсиз? Нотариус сифатида оилавий келишмовчиликларга кўп дуч келсангиз керак-а?

— Одамлар орасида меҳр-оқибат кўтарилиб кетаяпти деган фикрлар афсуски, тўғри. Чунки бунини иш фаолиятини кўпроқ ташкил этиш тарафдориман. Аёл ҳам ишласин, ҳаётда орқалда қолмасин, ҳам ўзининг буюк тарбиячи эканлигини унутмасин. Фарзандлар тарбиясида оналар биринчи ўринда туради. 2000 — Соғлом авлод йилида фарзандларимизни нафақат жисмонан, балки маънан ҳам баркамол инсонлар бўлиб етиштишлари учун бизда ҳамма имкониятлар етарли.

Суҳбатни Маълүра НАБИЕВА ёзиб олди.

Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига

КАЛОМ ИЛАМИНИНГ АСОСЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра шу йил кузда калом илмининг асосчилари билан бир, ҳадис ва фикх оламининг раънакига улкан ҳисса қўшган йирик аллома, буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади.

Мусулмон оламида шухрат қозонган аллома илмий-диний меросининг халқимиз маънавий-руҳий ҳаётидаги ўрни беқиёс, беулқовдир. Мустақил мамлакатимизда унинг бой меросини авайлаб-асраш, қадрлаш ва жамиятнинг баркамол фуқароларини тарбиялашда ундан оқилона фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Калом илмига асос солган мутафаккир бобокалонимиз нафақат ислом илм-фани, фалсафаси, маънавияти учунгина эмас, балки ўз фаолияти ва беназир мероси билан жаҳон илҳийоти илми, умуминсоний маънавият ва қадриятлар тараққиётига ҳам қўли таъсир қўратган. Ул зот 853 йилда Самарқанднинг шимоли-шарқий тарафдаги Мотуридий қишлоғида таваллуд топтирган. Ибтидоий мактабда савод чиқариб, сўнгра Қўқанддаги Работи Ғозий мазееси масжид-мадрасасида тахсил қўрганлар. Устозлари Мухаммад ибн Фазл аконди исломия, илҳийотдан дарс берганлар.

IX асрнинг иккинчи, X асрнинг биринчи ярми исломий фан ва маърифатнинг гуллаб-яшнаган даври эди. Олиму фузало ва уламолар масжид, мадрасаларда ўз фикр-мулохазалари, тарихий воқеаларга муносабатларини эркин баён қилганлар. Натижада турли гуруҳлар, оқимлар пайдо бўлган. Бахс-мунозаралар авж олган. Абу Мансур ал-Мотуридий дўсти Абулқосим Ҳаким ас-Самарқандий билан

лан каломдан ажралиб чиққан гуруҳлар билан мурасасиз бахс-мунозаралар олиб боришган ва улардан ҳаммиша ғолиб келишган. Абу Мансурнинг «Ислом ул-худо» фахрий унвони ана шу маънавий ғалабанинг эътирофи этилишидир. Турли фикрлар, ривоятлар бир-бирига зид ҳар хил бидъатлардан ақидани эътиқодларни омон сақлаш мақсадида калом илми вужудга келди. Мотуридий калом илмининг асосчиларидан бири сифатида майдонга чиқди. Буюк ватандошимиз асос солган ровия, «Мотуридия» деб аталади. Имом ал-Мотуридийнинг илмий-маънавий меросида ислом дини ақидаларининг соғлиғини ҳимоя қилиш ва турли диний оқимларга қарши кураш алоҳида ўрин тутди. Илми калом ақийи дадил ва ибтилоларга таянган ҳолда исломни ҳимоя қилиш, уни турли-туман, нотўғри талқинлардан тозалаш демокдир. Мотуридий ровияси фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки яқин Шарқ, Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Тунис, Жазир сингари мамлакатларда ҳам кенг тарқалган.

Улуғ алломанинг «Китобул усул», «Таъвилату ахлис Сунна», «Китоб таъвилатул Куръон», «Китоб ал-тавҳид», «Китобул макомат», «Китоб ал-жодал» сингари ун бешга яқин асарлари у зоти олийга катта шухрат келтирди. Унинг китоблари ҳали ҳаётлик чоғларидаёқ қўлма-қўл бўлиб ўқилар эди. Алломанинг китоблари ва қарашлари мадрасаю мактабларнинг биринчи дарслиғи бўлган. Улар турк, форс ва бошқа тил-

ларга қайта-қайта таржима қилинган. Уларни дунёнинг турли бурчларидаги диний ва илмий марказлардан топиш мумкин.

Бизнинг Оллоҳ таоло ҳақидаги билимларимиз ақдан-дир, деб ҳисоблаган аллома ва унинг тарафдорлари ислом шариятининг мутаассиблик ва хоҳилликка эмас, балки инсон ақл-заковати ва иродасига устивор нуфуз беришини исбот этганлар.

Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ал-Мотуридий ҳақида шундай ёзди: «Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ўз замонининг аълам уламоси эрмиш. Ул вақт уламоси аларни «Султонул музизин» дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари билан ораста эрмишлар.

Асримиз бошида бир қатор мусулмон давлатларида жамиятни тараққиёт йўлига олиб чиққан машҳур фатволарини муфтийлар имом Абу Мансур ал-Мотуридий Каломии усуллари асосида берганлар. Бизнинг давримизда Калом таълимотига амал қилган қўлгина мамлакатлар тараққиёт йўлидан бормоқдалар.

Аллома камсукум, хушхулқ инсон бўлганлар, камтарона кун кечирганлар. Шогирдлари у муътабар инсондан шарҳона одоб-ахлоқ, хушхулқлик ва тавозе, камтарлик, хоҳисорлик — барча яхши фазилатларни ўрганганлар.

Бутун умри давомида азиз юртини тарқ этмаган улуғ зот 944 йилда Самарқандда вафот этди. Уни машҳур Чокардиза қабристонига дафн этадилар. Буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий бебаҳо илмий жанжинаси ўлмас таълимотини овоз ва эркин авлодларига қўллаб тутиб турибди.

Мирза Анвар КАРИМОВ,
тарих фанлари номзои.

Ҳамкорлик

СИЭТА ПОЛИЦИЯЧИЛАРИ ТАШРИФИ

Маълумки, Америка Қўшма Штатларининг Сиэнта шаҳри мамлакатимиз потахти Тошкент билан дўстона алоқа ўрнатган бўлиб, ўзaro ҳамкорлик қирралари тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда Сиэнта шаҳри полиция департаменти масъул ходимларидан иборат делегациянинг пойтахтимиз Ички ишлар идораларига ташрифи ҳам бунинг ёрқин ифодаси бўлди.

Сиэнтлик меҳмонлар пойтахт Ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислохот жараёни, Ўртаб-шимиз ташаббуси билан ҳаётга таъбиқ этилаётган «Жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш» Концепциясининг бир йиллик якуни бўйича бажарилган ишлар билан яқиндан танишдилар. Концепция талабларига мувофиқ рўй берган ўзгаришлар, айниқса милиция таянч пунктлари, маҳалла посбонлари, яраштирув комиссиялари, аёллар кўмиталари ва умуман, Тошкент шаҳар Ички ишлар идоралари тизимидаги катта ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратдилар. Милиция ходимларининг маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик билан ўзаро узвий ҳамкорликда олиб бораётган ишлари меҳмонлар учун ўзига хос

янгиллик бўлди. Хусусан меҳмонлар Тошкент шаҳрининг Ҳамза ва Чилонзор туманлари маҳаллаларида бўлиб, у ердаги профилактика инспекторларининг иш фаолияти билан атрофчи танишдилар. Департамент масъул ходимлари Кен Кондер ва Шейла Хоргешмерлар, жумладан, «Юнусов» ва «Чилонзор» маҳалласи фаоллари билан йиғилишда қизгин суҳбат ўтказдилар. Меҳмонлардан оила-турмуш муносабатлари доирасида содир бўлаётган жиноятларнинг олдини олишда маҳалла таъсири ва унинг мавқин, ҳамжиҳатликда олиб борилаётган ишлар самарадорлиги айниқса катта таассурот қолдириди.


Америкалик биродарлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 19 апрелидаги 180-сонли «Ўзини-ўзи бошқарув органлари ҳузуридаги яраштирув комиссиялари» тўғрисидаги Қарори билан алоҳида танишиб чиқдилар. Ушбу комиссияларнинг оиладаги низоларни, содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги фаолиятига юксак баҳо бердилар. Департамент вакиллари ўз таассуротларини билдирар экан-

лар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳалла тузилмасига алоҳида урғу бериб ўтилганини ҳақида илқ фикр билдирдилар. Улар туман Ички ишлар бошқармаси раҳбарлари ва маҳалла оқсоқолари билан бўлиб ўтган суҳбатда ҳам бунга алоҳида қайд этиб, пойтахтдаги жамоатчилик салоҳияти ва унинг фаолиятини чуқур урганиш ҳамда ўз тажрибаларида қўллаш зарурлигини таъкидладилар. Меҳмонлар олдида сўзга чиққан маҳалла оқсоқоли, Ўзбекистон Диний идораси масъул ходими Омон Муталов эришилган ютуқлар билан биргаликда амалга оширилаётган ишлар «хусусида ҳам сўзлади. У жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фаолиги қанчалик юксалтирилса, бу жабҳада миллий қадриятларимиздан қанчалик унумли фойдаланилса, нур устига аъло нур бўлишини айтиб ўтди. Бу пойтахтимиздан улкан таассурот билан Сиэнтага жўнаб кетган меҳмон — биродарларимизнинг ҳам билариди ният ва орзу — мақсадаларига айланганлигига шак-шубҳамиз йўқ.

А. ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази
катта инспектори,
милиция капитани.
Ш. ИКРОМОВ,
жамоатчи мухбир.




2000 — СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ



Тоҳир Нигматуллин ва Равил Альбеков олган сурат лавҳалари.

Гивандлик — иллат

КОНТРАБАНДА ЭВАЗИГА МИНГ ДОЛЛАР!



Мамлакатимизда тўғри келмайдиган мазкур иллат қарши кураш аниқсиз аамалдаги соғлом авлод йилида кучайтириб юборилди. Бунда албатта гивандликнинг соғлом авлод, соғлом турмуш тарзининг қушандиси эканлиги алоҳида ҳисобга олинмоқда. Республика гивандликни назорат қилиш марказининг ташаббуси билан «Гивандларсиз дунё учун» шiori остида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда шифокорлар, сиёсатчилар, спортчилар, музикачилар, актёрлар ва бошқа танлиқ кишилар қатнашиб, бу жирканч иллатнинг зарарлари хусусида маърузалар қилмоқдалар, ҳар хил ҳужжатли кинолар намойиш этмоқдалар, адабиётлар тарқатмоқдалар.

Бу хайрли ишда шубҳасиз давлат автомобил назорати ходимлари ҳам жанобозлик кўрсатмоқдалар. Яқинда улар Тожикистоннинг Ленинобод вилоятидан Қозогистонга ўтказиш учун олиб кетилаётган катта микродордаги «героин»ни тўхтатиб қолдирилди ва мусодара этидилар. Қуйида мазкур «наркобизнес» ҳақида ҳикоя

қилувчи материал билан танишасиз. Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги «Бектемир» ДАН постидан мамлакатимиз қонунларида таъқиқланмаган юкларни олиб ўтаётган кишилар бемалол ўтиб кетавердилар. Аммо ноқонуний юкларни олиб ўтган деганлар ҳуҷварани хом санайдилар. Ана постга «Бектемир» Тошкент» йўналиши бўйлаб ҳаракат қилаётган «Икарус-256» русулини, давлат рақами «И АВ 832» бўлган автобус яқинлашиб келяпти.

— Қани, шу автобусни тўхтатинчи, бир назоратдан ўтказайлик, — деди постда навбатда турган ДАН ходими Б. Курбанов шерига А. Зариповга. Зарипов кўрсаткич таъқчаси билан автобус ҳайдовчисига тўхтатин ишорасини қилди.

Икковлон автобус йўловчиларини бир-бир назоратдан ўтказишга бошлашди. Навбат салоннинг чап томонида жойлашган 6-қаторда ўтирган йўловчи келди.

— Хўш, ўртоқ йўловчи, ўзингизни таништирсангиз, — Исмом Қосим, фамилиям Ҳолбоев.

— Қерлиқсиз? — Тожикистоннинг Лени-

нобод вилоятиданман. — Мана бу сумка сизникими? — Ҳа, меники! Йўловчи савол-жавоб навбати сумкасига келганда негадир ўзини йўқотиб қўйди. Оёқ-қўли дир-дир титрай бошлади. Бундан таажубга тушган ДАН ходимлари: — Унда нима бор? — деб сўрашди. Ҳолбоев баттар доғдираб қолди. Кейин тақдирга тан берди, шекилли бор гални шартта айтиб қўя қолди.

— Сумкада «героин» бор. — Ростданими? — Ҳа? — Уни қаерга олиб кетпсиз? — Қозогистонга! — Шунча денг, унда бу сумкангизни ҳозирок муҳрлаб кўнмиз ва ичидида «героин»ни экспертизага жўнатамиз.

Шундай қилиб сумка муҳрланди. Бўлган воқеа хусусида эса ҳолис гувоҳлар иштрокида акт ва баённома тузилди. Табиийки Ҳолбоевнинг ўзи ҳам «юки» билан бирга олиб қолинди. Автобус эса оғир дарддан халос бўлган кишидек енгил тортиб ўз йўлида давом этди. Ҳолбоевнинг «юки»ни эса экспертиза мутахассислари тек-

шириб қўришди. У тўрт донга полиэтилен халтачасига жойлашган оқ тусли порохосифат «героин» бўлиб, тортиб қўрилганда оғирлиги 7488, 294 грамм чиқди.

Тергов чоғида Ҳолбоев шундай деди: — Ленинобод шаҳрида Со-биржон исми бир йигит билан танишқолдим. У менга мазкур «героин»ни Қозогистоннинг Черняевка қишлоғига олиб Аспанов деган қозоқ кишисига топширсам 1000 АҚШ доллари беришини айтди. Мен рози бўлдим. Аспанов мени Черняевкада кутиб оладиган бўлди.

— Шунча тақилланган «героин»ни чеғарадан қандай олиб ўтдингиз? — «Оқ дорини» боғхона постини четлаб дала йўлиридан юриб Бектемирда қолди келдим. У ердан автобусга ўтириб Тошкентга келаятган-дим. Омон-эсон етиб олсам, кейин Черняевкага йўл олсам, Аммо бўлмади. Қўлга тушиб қолдим.

Контрабанда йўли билан «Наркобизнес»га қўл урган Қосим Ҳолбоевнинг ҳамёналари тинтув қилинганда, унинг ёнидан 1998 йилда Ленинобод вилояти Ҳўжанд туманида ИИБ дан Галя исми аёл орқали олинган қалбаки «милиция хизматчиси гу-

Ҳаёт сабоқлари
ЎЗИНГ ПИШИРГАН ОШ...

Маллабек ва Тешабой ўғилларини уйлантириб, қизларини узашиб, тинч ва хотиржамлик билан қўнларини ўтказиб туришди. Қўнларнинг биринчи Тешабой дебди: — Маллабек дўстим, қўшни бўлганлигимиз тўғрйли бир-биримизни яхши биламиз. Сенга сир эмаски мен фарзандларим, қўвларим ва невараларим эркаклар, бамисоли елкамда кўтариб катта қилганман. Улар учун кў-қувватим ва бойлигимни аямой сарфладим. Бундай меҳрибонлигим ва ғамхўрлигимни қадрлашиб мен билан қўноқлашиб ва ўлишиб қўришганларидан ниятда роҳатланар эдим. Мана кўриб турибсан кўч-қувват ва топиш-тутишдан қолиб анча ёшга кирдим. Аммо сеvim-ли фарзандларим, қўвларим ва невараларим аҳоли-дан хабар олмай қўйишди. Тўғри, баъзида улардан айримлари қўринадилар, лекин бир нарсани олиш илнжидда келишади.

Яқинда 25 ёшли неварам келиб: — Буважон бир донга эчкинигиз қолдибди, уни ҳам яхши боқолмаяпсиз. Эчкини менга беринг, акс ҳолда харом ўлиши мумкин, — деди. Е тавба, е тавба, йигит киши шўнчалик юлғич бўладими, деб ёқамни ушлаганга қолвердим. Эчкини сутини ичиб турибман, деб сўровини қайтарганимда эчкини зарда билан ёпиб кетди. Ўғилларим эса, отакон бекитиб қўйган бойлиқларингизни чиқаринг, тўсатдан ўлиб қолсангиз билмай қолмайлик, дейишга бўладими. Ахир бундай даъво қилад бўладими. Наҳора, йилғидим ва ўзимни айбладим. Чўнки бойлигимни маълум қисминин қарганимда керак бўлади деб саклаганимда ҳозирги аҳолига тушмаган бўлардим. Дўстим сен менга ўхшаб фарзандларинг ва невараларинг бор-йўлигини сарфлашинг ва мук-кадан кетиб эркакларидинг. Шунга қарамай ҳозирда улар сенга шундай меҳрибончилик қилмоқдаларки, ҳавасим келади. Улар ўзаро маслаҳатлашиб сенга ситир ва қўйни бериб кетдилар. Ем-хашақлар билан ҳам таъминлаб туришибди. Қанийди фарзандларим, қўвларим ва невараларим қовун ва тарвуз билан бўлсада мендан хабар олганларидан кўп қувонар эдим. Доимо икки қўлим эшикда, тик этса югуриб чиқаман, лекин улар қўримайди.

— Дўстим, — дебди Маллабек, — ҳамма гапларинг тўғри. Ҳақиқатан ҳам сенга ўхшаб фарзандларинг, қўвларинг ва невараларинг учун жонини ҳам аямой ғамхўрлик қўрсатган қисмини топиш қийин. Аммо фожиа шундан иборатки, сен уларни ёшлигидан бошлаб олишга ўргатдинг. Бошқачароқ айтганда уларни кийим-кечаклар ва овқатлар билан таъминлавериб онгда нуқул олиш тўғ-ғусини шакллантирдиг. Улар сенга ҳеч нарсани бермаслиги орқасидан ўзгаларга ҳам беришга одатланмадилар. Аммо улар сени саҳийлигинг тўғрйли олишни қон-қонига синдириб юбордилар. Бу билан сен уларни саҳийликка, яъни беришга эмас, балки оқчўлиқ ва юлғичликка ўргатдинг. Шунинг унутмаслик кераки, олиш билан бериш мутаносиб равишда олиб бориладиганини оқибати ахшилик билан тугайди. Мен ҳудди шу ўқинида фарзандларим ва невараларимни тарбияладим. Уларни авваламбор беришга, ҳўсусан саҳийликка ўргатдим. Хотинимга кечки овқатни бериш-бериш ортиқча пиш-ришни буюрдим. Фарзандларим ва невараларим орқали навбати билан уни ночор қўшиларга бердирдим. Шу равишда бир ойда 30-40 товоқ, бир йилда эса 300-400 товоқ овқат улашилди. Богимиздаги меваларнинг ҳам маълум қисминини ночор оилаларга бердирдим. Гадейларга ва етим болаларга садақа учун фарзандларимга пул бериб турдим. Шунингдек, байрамларда ота-онани, тоғаси, ака-укаларни ва опа-сингилларига совғалар беришга одатлантирдим.

Орамизда шундай кишилар борки, бировларнинг меҳнатидан фойдаланади, аммо ўзлари уларга хизмат қилишдан қочади. Бунга адолатсизлигини англаб фарзанд ва невараларимни маҳалладаги хашарлар, тўйлар, маросимлар ва ободончилик ишларига қатнаштирдим. Шундай қилиб улар мол-мулкни ва кўч-қувватини маълум қисминини ўзгаларга беришга, яъни саҳийликка ўргатилди. Борди-ю-ёки бу қисми нуқул саҳийлик қилиб олишни билмаса, бу ҳам ахшиликка олиб келмайди. Шу билан бериш меъёрида олишга ҳам ўргатдим. Авваламбор ўзим уларга совғалар бериб хўрсанд қилардим. Ё-ғимдаги меваларнинг нарҳини белгилаб соттирдим. Бундан ортиқ пуллаганини ўзлариники дердим. Улар шу йўл билан даромад олишни ўлаштирдилар. Ўғилларим аравақашликдан ҳам даромад олардилар. Уларга қорамол ва қўйларни олиб бериб боктирдим. Яхши-лаб семиртирсанг фойдаси сеники дердим. Бундай ми-солларни қўллаб келтиришим мумкин. Умуман мен фарзандларим ва невараларимда меҳнат ва пешона тери билан олишлик тўғўларини ривожлантирдим. Сен эса фарзандларинг ва невараларингни фақат олишга ўргатиб, текнхўр кишиларга айлантириб қўйдинг. Дўстим, фарзандларинг ва невараларингга беришни ўргатмай саҳийликдан маҳрум этдинг. Ваҳоланки, саҳий кишиларга барча эшиқлар очик бўлиб бахтли ҳаёт кечирдилар. Сен ҳам саҳий эдинг, лекин беғоналарга эмас. Бу билан саҳийлиқни тор ва боши берк қўчасидан юриб фарзандлар ва неваралар тарбиясига катта зиён келтирдинг.

Беришни, яъни саҳийлиқни бошидан кечирмаган инсон эчки ва олғир сингари зарарли одатларни ўлаш-тириб, беғоналар у ёқда турсин ота-онани ҳам иш-лишга ҳаракат қиладилар.

Демак, ҳозирги сенинг ачинарли аҳолидаги ўзинг сабабчи бўлдинг. Энди ўзинг пиширган ошини ўзинг ейиш-га мажбурсан.

НАСИБАНИНГ БАХТИ

Она институтини учинчи курсида таълим олаётган қизи Насибанида сўрабди: — Биласанки аканг ўқини тўғрйли муҳандислик касбига қа бўлди. Энди уни уйлантириши-миз керак. Институтдаги дўгонларнинг орасида яхши қизлар бўлса айтгин, совчиликка бораман.

— Ойжон, қизлар жуда кўп, лекин менга 4-5 таси ёқади, ҳолос. Булар аълочи, камтарини ва покиза қизлар ҳисобланиб, уйларида совиқлар аримас эмши.

— Баракалла қизим! Қандай қизларини яхши дейиш мумкинлигини билар экансан. Сен ҳам уларга ўхшаганимизда одамлар сени ҳам макташарди. Аммо институтни кирганингга уч йил бўлди, лекин ўзинг мактаган қизлар сингари одамларнинг назаридан ўрин олмадинг. Хануз-гача бирорта совчи уйимизга ташриф буюргани йўқ. Отанг ва мен бундан тавбишланам, нима қилишимизни билмай юрибмиз. Ахир сенинг тенгдошларинг турмушга ал-лақачон қичиб, фарзандли бўлишган. Шунинг асло унут-маганики, қизлар авжи вақтида турмушга чиқини уйла-май юраверсалар ёши катталашиб қарикиз бўлиб қола-дилар. Пировардида, қарикизлар катта ёшли ёки хотини ўлган эркакларга тегишга мажбур бўладилар. Қизнинг ўтириб қоллиши қанчалик оғирлигини қуйидаги ҳикоядан билиб олиш мумкин.

Ўтмиш замонларда нуфузли кишилар кимни бахтли деса бўлади, деган мавзуда бахс ўтказишди. Йилганлардан бири бадавлат, иккинчиси чироили, учинчиси меҳнатсевар, туртинчиси ҳўшумомалали одамлар бахтга эришадилар дебдилар. Шунга ўхшаб бошқа фикрлар ҳам баён этилибди. Бахсининг охирида фақат саломатли-ги яхши бўлган кишини бахтли-саодатли деса бўлади, деган фикр қўувалтаётганда бир киши дебди: — Азизлар! Бу ерда баён этилган фикрларга ҳўйсилса бўлади-ку, лекин менинг фикрим бошқачароқдир. Ҳеч кимга сир эмаски, менинг саломатлигим яхши ва бойлигим кўп. Аммо оиламизда бир дард борки, даволашининг ило-жи йўқлигидан юрагимиз чўқдек алганганилиб туради. Яққаю эҳка қизимиз чироили ва ақли бўлиб етилганда совчилар қатнайверибди тинкларни қурди. Аммо у йигитларни ектирмай юравериб вақтни қўлдан бой берган-лигимизни билмай қолдик. Ҳозирда совчилар қарикиз дейишди қораларини кўрсатмай қўйдилар. Биз эри хотин қизимизнинг тақдирини уйлаетвериб қолдан тойдик. Дунё қўзимизга тор ва қоронғу бўлиб қўрилмоқда. Де-мак, ота-она учун қизининг ўтириб қоллиши фожиядир. Менимча кимки ўз вақтида қизини узашиб ва ўлини уйл-лантириб, фарзандларидан қутулса уша бахтлиларнинг бахтлисидир. Доншмандлар бу фикрни қувватловчи қарор қабул қилишибди.

Насибанинг оқсўзлари ва ҳикоясидан қаттиқ таъ-сирланиб ҳўжолатдан бошини кўтара олмайди. Қўзи ёш-ланиб ўзини қасалга қилингандек ҳис этибди. Эртасига институтга бормай китоб ва дафтарларини тартибга со-либ аёлга ўқига ўзига қасам ичди. Бу қасамга қат-тиқ риоя қилибди ва сангб юрчиларга барҳам бериб, дарсларни кўн билан таъйирлашга киришибди. Бачкана кийинишлардан воз кечибди. Юриш ва туришда ҳам ўртак кўрсатибди. Фанлардан юқори баҳолар олиб қур-он аълочи сифатида яқуллабди.

Унинг машаққатли меҳнати, иродаси ва одоби об-рўйини ошириб, тилга олинмаган бўлибди. Унга со-виқлар бирин-кетин келга бошлашди. Насибанинг бахти очилиб, ўзи орзу қилиб юрган ақойиб йигитга турмушга чиқибди. Ота-онани ўзида йўқ хўрсанд бўлишибди.

Ҳамид ЗИЕВ, профессор.



Дония ЗОКИРОВА.
СУРАТЛАРДА: институт фаолиятидан лавҳалар.

ИНСОН

Инсон танасида ҳамма маънӣ ўйлиши керак. Магний ҳам ушбу модда етишмиганди одамнинг организмида бўлади. Магнийнинг танангиздаги маънавий ҳаётингизга қандай таъсир қилганини савобдан ўзингиз учун аниқлаш.

— *Мен кимман*

БА **М**

далар керакли микдорда
ам хаёти учун муҳим мине
рда оғрик пайдо бўлади. И
и, юракнинг уриш мароми
етарлими ёки йўқлигини
тўқулини танланг.

Қандай одамман?
АГНИЙ
... зарур муаносибликда
... аллардан ҳисобланади.
... аллар мушакларида
... бузилади. Қуйдаги тест
... никлаб беради. Уч хил

1.25 Телевизион миниатюралар те-
1.20 Футбол бўйича Европа чеми-
онати. Чорак финал. Танавфуз
айтида - «Олам футболчи».
3.45 «ТВ-1» намойиш этади. Теле-
визион:
1.00 «**Ўзбек муъжизаси**» кинодастури:
1.40 Кино янгликчлари.
0.15 «Мадакар руҳ». Бадний
олим.
1.40-1.45 Ватан тинчлорлари.
Ў ТВ II
1.00 «Давр тонги».
1.00 Кўрсатувлар дастури.
0.05 «Янги авлод». «У ким? Бу
ким?». «Мультикомедия».
1.40 «Дўппи тикдим инаклари тил-
лочи».

0,50 «Таджа» тележурнали;
0,20 «Обла» сарали; («Сайермиз
ыйла»);
0,40 «Экспресс» телегазетиси;
0,05 «Хангалар ва эълонлар»;
0,10 «Таджа» сарали; («Санта-Бар-
бара»);
0,50 «Хайрли тун, шахрим!»;
0,00 «ЖАКАР» ТЕЛЕКАНАЛ
0,00 Курастарулар тартиби;
0,05 -Тонг» дастури;
0,05 -Эрталакларнинг сеҳрли ола-
ми»;
0,45 «Парле ву франсэз?»;
0,10» Узбекистон англикликлари-
нигил» тилида);
0,20 «Болалар олами»;
0,20 «Фан-тун» (Болалар учун
олиш тили);
0,10 «Душанбе» газетаси; «Масбаб



Мен кимман? Қандай одамман?

ИНСОН ВА МАГНИЙ

Инсон танасида ҳамма моддалар керакли микдорда ва зарур мутаносибликда бўлиши керак. Магний ҳам одам ҳаёти учун муҳим минераллардан ҳисобланади. Бу модда етишмаганда оёқларда оғир пайдо бўлади. Болдир мушакларида томир тортишиши рўй беради, юракнинг уриш мароми бузилади. Куйидаги тест сизнинг танангиздаги магний етарлими ёки йўқлигини аниқлаб беради. Уч хил жавобдан ўзингиз учун энг маъқулини танланг.

		ОЧКИ	
дай ташхис куйган.		1 2 3 4 5 6 7 8 9 10	танангизда магниси микдори жууда етарли. Мушуми — та- нангизни кўп ҳам толиктира-
6. Хар хил кичир-кичирлар- ни ҳадеб уйлалверасизми?	a	1 0 1 0 2 2 0 1 1 0	верманг ва асабий холлатлар- дан ўзингизни асранг.
a) майда-чўйдаларга ҳеч қанон бозовта бўлавермайман;	b	2 1 0 1 0 0 2 0 0 1	
		0 2 2 2 1 1 1 2 2 2	

«Евро-2000». Чорак финал.
16.30 «Мусликий лалхазлар».
16.40 «Кавинтон Кросс». Телесери-
ал.
00.30 «Тахилнома» (рус тилида).
01.10 Туш ва овоз: «Куллаётган аёл».
Бадий фильм.
2.15 «Туингиз осуда бўлсин!»

ТИЖОРАТ ХАБАРПАРИ ВА ЭЪОННАР

Мақтаб ўқувчилари учун уч ойлик инглиз тили курсларига қабул қилиш бошланди.
Нархи: 3 ойга — 22500.
Тел: 42-29-97.
Манзил: Навоий 48, 29-хона.
Мўлжал — Чорсу меҳмонхонаси рўпарасида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

100150

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**